



## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 4 август, шанба

№61 (11.346)

Эркин нархда сотилади

МДХнинг  
СОЧИ  
САММИТИ

2 август куни Россиянинг Сочи шаҳрида МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳам қатнашди.

«Чойзордаги бинолар» мажмуида президентларнинг ялпи учрашуви бўлди. Унда МДХ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш, стратегик барқарорликка оид масалалар муҳокама қилинди. Президентлар минтақавий масалалар юзасидан ҳам батафсил фикр алмашди. Саммит норасмий бўлгани боис унинг якунида бирор ҳужжат имзолангани йўқ. Шундай ҳолда, журналистлар билан бўлган учрашув чоғида, иштирокчилар мулоқот самарали ва фойдали бўлганини

таъкидлади.

Саммит доирасида президентларнинг икки томонлама учрашувларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Ўзбекистон раҳбари 1 август куни Россия президенти Владимир Путин билан музокара ўтказган эди. Саммитнинг иккинчи куни Украина президенти Леонид Кучма билан учрашди. Мулоқотлар чоғида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга шу йил 29 июль куни ўтказилган сайлов натижаларига кўра Марказий Сайлов комиссияси депутатларни рўйхатга олди. Улар орасида «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» очiq турдаги акциядорлик жамиятининг бош директори Геннадий Алексеевич Прохоренко ҳам бор. У 152-Олмалик сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига сайланди.

Вилоят ҳокимлигида  
КОМИССИЯ  
ЙИФИЛИШИ

Шу йил 2 август куни Тошкент вилояти фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари билан биргаликда вилоят ҳокимлигининг бошқармалари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, санитария-эпидемиология назорати марказлари бош шифокорлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишнинг вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Унда вилоят ҳудудида ўта юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақидаги масала чуқур ва атрафлича муҳокама этилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят бош давлат санитария врачси В. Андрианов маъруза қилди. Унда таъкидланишича, республикамизга кўшми бўлган давлатларда вабо ва бошқа ўта юқумли касалликлар ҳолати жиддий хавф солмоқда. Шунинг учун ҳам уларни республикамиз ҳудудида кириб келишининг олдини олиш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар кўрилишини вазият тақозо этмоқда.

Бу касалликларга қарши ўтказилаётган чора-тадбирларга қарамай, вилоятнинг айрим шаҳар ва туманларида эпидемиологик вазият мураккаб бўлиб турипти. Айниқса, айрим туманлардаги очiq сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш, аҳоли яшаш жойлари, эпидемиологик жихатдан аҳамиятга эга бўлган объектларда санитария-тозалаш ишларини қўйиб қўйиб талаб этилмоқда.

Юз берган вазиятни ҳисобга олган ҳолда вилоят фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссияси кўрилган масала юзасидан алоҳида қарор қабул қилди. Унда кўшми республика-

10-АСРГА  
ТАТИГУЛИК  
ЙИЛЛАРКуйичирчиқнинг  
Залворли одимлари

## 1. Кўприклар

Машина шаҳарчадан чиқиб, бироз юрди. Равон асфальт йўл бироз кўтарилиб бораётганини айтмаса, узун, кенг, адл кўприк устига чиқиб қолганлигимизни ҳам пайқамдик.

Темирбетон бу кўприк Ангрен дарёси қирғоқларини туташтирганига кўп бўлгани йўқ. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Куйичирчиқ ва Окқўрғон туманларини бири-бири билан боғлаган бу кўприк – мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида ўтган шанба кўни фойдаланишга топширилди.

Кўприкдан қарасангиз, юқорида – олис-олис қишлоқлар боғлар оша баланд тоғларга, қуйида – ёйилиб бориб, Сирдарёга қўйладиган бутунги нимжон Ангрен кўз ўнгинида намоён бўлади. Бир пайтлари тўлиб-тўқингани, кўклар кезлари бўй бермасдан атроф далага тошиб оққан асос дарё бугун ҳолсиз, камсув.

Унинг мавжлашиб оқишини кузатиб туриб, бу дарё неча замонлардан буён қирғоқларни, демалки, кўшни қишлоқларни, одамларни ажратиб келганлигини, энди мана шу кўприк сабаб нанки маконлар ва замонлар, балки, диллар, мақсадлар, интилишлар туташганлигини ўйладик.

Куйичирчиқ – вилоятимизда нисбатан «ёш» манзилгоҳлар тумани. Хали яқин-яқинларда ҳам аждодларимиз бу томонларда – шўх ва серсув Ангрен дарёсининг қуйи

лардан вилоят ҳудудида ўта хавфли юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалиши хавфи мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Айни вақтда унинг олдини олиш, барча шаҳар ва туманларда фавқулодда эпидемияга қарши кураш ҳудудий комиссияларининг йиғилишларини ўтказиш ва кўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шунингдек, марказлаштирилган сув таъминоти бўлмаган аҳоли яшаш жойларига тоза ичимлик сувини мунтазам ташиб беришни йўлга қўйиш, коммунал хизмат ва сув иншоотларини зарарсизлантириш чораларини кўриш, аҳоли яшаш жойларидан маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини ташкил этиш, давлат чегараларидаги санитария-карантин пунктларида хушёрликни ошириш, улар учун керакли тиббий ускуналар, дори-дармонлар, махсус кийимлар, дезинфекцияловчи моддалар ажратиш сингари йиғирмадан ортиқ вазифалар қўйилди.

Йиғилишда юз берган вазиятни аҳолига тўғри тушуштириш, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини қўйиб қўйиб, лўнда қилиб айтганда бу ишга кенг оммаи сафарбар этиш энг муҳим вазифа қилиб белгиланди.

Бу хонадонда йиғирма олти жон яшайди. Хонадон соҳиби, соҳибаси, ўғиллар, келинлар, неваралар... Лекин бир ҳовлининг ўзида ҳаммасига етарли юмуш бор. Улар йил-ўн икки ой кўшини чиқмасдан бурун кутиб олиб, қоронғу ётоғига ҳамжиҳатликда кузатишади. Бир томонда кўй-қўзи, сигир-бузоқ, парранда, бир томонда эл қатори томорқа – боғ, экин. Камига – 12,5 гектар дала...

Ана шунақа. Шунча юмуш, уларни бошқаришдан ортиб Тўраҳўжа ақанинг бирон кун, бирон дақиқа бўш вақти бўлиши мумкинми, ахир? Тўғри, бу кишини яқиндан таниган, яқин билган айрим одамлар «ёши салкам етмиш»ни қоралаганда, фарзандлари ишлаб, топиб-нейти турганда, шунча елиб-югуриш нима зарур экан бу одамга? дейишлари мумкин. Гап унда эмас. Дарвоқе, халқ орасида «гап унда эмас, бугдойда» деган ибора бор. Тўраҳўжа ака шунга амал қилади. «Ўн

лик пасайиб бориб, гоҳи йиллари туман шартнома режаларини ҳам уддалай олмасдан қолди. Лекин виждонли, қатъиятли, ниятлари пок пахтакорлар, шиликорлар, чорвадорлар туманда аригани йўқ эди. Улар ўша тажрибаларни, шон-шавкатни ардоқлаб, янги

довергани бутун мамлакатга ёйди. Дехқончиликни машиналаштириш ва кимёлаштириш мўл-кўл ва арзон ҳосил етиштиришга йўл очди. Куйичирчиқ замонавий дехқончиликнинг илғор тажриба мактабига айланди.

Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги айрим ҳолатлар сабаб бу доверуқка бироз соя тушди. Ҳосилдор-

юксалиш палласида камолга етган тадбирли, билимли, ўқувли ёшлар ғайрати билан туташтиручиларга – ўтиш даврининг ўзига хос кўприкларига айландилар. Ва, туман янгича руҳдаги жонланиш, саъй-ҳаракатларни жонлантириш палласига қадам қўйди. Куйичирчиқда бўлиб, қишлоқларни айлансангиз, ҳўжаликлар,

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Туман 560,3 минг квадрат километр майдонни эгаллайди.
- Куйичирчиқда 94,7 минг аҳоли истиқомат қилмоқда.
- Туман қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган 49 минг гектарга яқин ерга эга.
- Аҳоли манзилгоҳлари бир шаҳарча ва 61 қишлоқдан иборат.

лик пасайиб бориб, гоҳи йиллари туман шартнома режаларини ҳам уддалай олмасдан қолди. Лекин виждонли, қатъиятли, ниятлари пок пахтакорлар, шиликорлар, чорвадорлар туманда аригани йўқ эди. Улар ўша тажрибаларни, шон-шавкатни ардоқлаб, янги

фирмалар, катта-кичик қорхоналарда, маҳаллардаги давраларда гурунглашсангиз, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўриб-эшитасиз. Бугунги кун бамисоли ҳўшқин бир ҳаракатдаги кўприк каби навқирон бу тумanning шавкатли ўтишини мустақил Ўзбекистоннинг баркамол ва буюк келажаги билан туташтирмоқда.

СУРАТДА: Тош-лоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўрисбой Болтабоев (ўнгдан учинчи) маҳаллаларнинг баобўр фаоллари билан навбатдаги режалар ҳусусида маслаҳатлашмоқда.



## «ЎННИНГ САРАЛИГИ – БУГДОЙДАН»

дейди  
фермер  
Тўраҳўжа  
Исроилов

сара бўлиши учун, бугдойни тобида етиштириш лозим» дейди ўзи ҳам.

Энди масаланинг бошқа томонини олиб кўрайлик. Агар оиланда шунча юмуш бўлмаса, жамиятга наф тегарлик бирон соҳа билан шуғулланилмаса, фарзандлар меҳнатқаш, қийин-қўзини биладиган, одамларнинг, меҳнат маҳсулининг қадрига етадиган бўлиб ўсишарми? Демак, тинимсиз меҳнатнинг оилани фаровон этиш билан бирга фарзандлар камолоти, қомил тарбиясида ҳам алоҳида ўрни бор-да.

Йўлнинг тушиб, Куйичирчиқ туманидаги Улугбек номи ширкат ҳўжалигига борғудай бўлсангиз, «Лочин» фермер ҳўжалиги ҳақида сўраб кўринг. Албатта, юқоридаги фикрларни етасиз. Чунки, бунга асослар етарли.

Тўраҳўжа Исроилов бу фер-

мер ҳўжалигини ўз оиласи билан 1998 йилда ташкил этди. Суяги меҳнатда қотган дехқон ёнига фарзандларини тортиди. Босқичма-босқич экинларни расамадлаштирди. 35 центнердан юқори навли ҳосил олиш. Чунки, гўзанинг йил бошида танланган «С-4910» деб номланган нави бунга жавоб беради. Фермер ҳўжалиги раҳбари дехқончиликдаги кўп йиллик тажрибасидан бунга яқин билади.

– Тўраҳўжа ака, оила, дала, фермер ҳўжалигининг

ўрнига 6,4 тонна бугдой топширилди. Бир томонда оила ризқи учун ҳам мўл хирмон қолди. Ҳосилдорлик 45 центнердан ошди. Айни чоғда ҳўжаликнинг 8 гектар майдонида гўзалар баравж ўсмоқда. Ҳозиргача 4 марта ишлов берилди. 17 июль куни чеканка тугалланди. Уч марта қониб сув ичган ва гектарига 350-400 килограммдан минерал ўғит билан озиклантирилган ҳар бир туп гўзада 7-8тадан 35 центнердан юқори навли ҳосил олиш. Чунки, гўзанинг йил бошида танланган «С-4910» деб номланган нави бунга жавоб беради. Фермер ҳўжалиги раҳбари дехқончиликдаги кўп йиллик тажрибасидан бунга яқин билади.

– Тўраҳўжа ака, оила, дала, фермер ҳўжалигининг

ВИЛОЯТ  
ҳаётиВАТАН БАҒРИ ГУЛБОҒИНГ  
БЎЛСИН

Бир гуруҳ юқоричирчиқлик болажонлар ёзги таътилни мароқли ўтказайтган Паркент туманидаги «Бойчечак» болалар оромгоҳида «Ватан бағри гулбоғинг бўлсин» тадбири ўтказилди.

Унга Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ташаббускор бўлишди. Янгибозордан борган вакиллар дастлаб болажонлар дам олаётган оромгоҳнинг ётоқхонаси, ошхонаси, ўйингоҳи, дам олиш хоналари ва бошқа шарт-шароитлар билан танишдилар. Шундан сўнг туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилфуза Султонова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси ўринбосари Рўза Жаҳнадиовалар «Буни сен билишинг керак» болалар конвенцияси моддалари бўйича сўхбат ўтказдилар. Тадбир сўнггида бадий ҳаваскорлик жамоалари концерт дастурини намоиш этдилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

## АЁЛЛАР ИШТИРОКИДА

Чиноз тумани хотин-қизлар кўмитаси ва ҳуқуқ тартибот органлари, шунингдек, барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда маҳаллаларда яшовчи аёллар билан учрашув ўтказдилар. Унда икки юздан зиёд киши иштирок этди.

Бу учрашувни ўтказишдан кўзланган мақсад аёллар турли ноқобил йўللарга кириб кетишларининг олдини олиш ва бола тарбиясида уларнинг ролини оширишдан иборатдир.

Ўз мухбиримиз.

ЎҚУВ ЙИЛИ – ЯНГИ  
БИНОДА

Куйичирчиқ туманидаги «Бинокор-А» хусусий қурилиш фирмаси ўқувчилар учун янги ўқув йилига ажойиб совға тайёрламоқда.

«Ўзбекистон» тажриба ҳўжалиги ҳудудидаги 30-мактаб ўқувчилари бу йил 1 сентябрдан 420 ўринли янги бинода билим ола бошлайдилар. Қурилиш ишлари айни кунларда ниҳоясига етказилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

## ЗИЁКОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Оҳангарон туман хотин-қизлар кўмитаси марказий кутубхона билан ҳамкорликда кўрик-танлов ўтказди. Иштирокчилар кутубхоналардаги муаммоли масалалар бўйича турли сахна кўришларини намоиш этдилар.

Бу беллашувни ўтказишдан кўзланган мақсад ўқувчи ва кутубхоначи ўртасидаги муомала маданияти даражасини кўтариш, шунингдек, тармоқда мавжуд камчилик ва муаммоларга ечим топишдир.

Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ  
ҳаёти

## Замона мулкдори

ташкилий ишлари, қариндош-уруғлар йўқлови, маҳалла, маърака-маросимлари ва ҳақозо... Хуллас, Сизни ҳеч чарчатганим?

– Тўғриси, баъзан чарчагандай бўламан. Лекин ҳориб келган чоғларимда ётиқдошим Мамлакат аян-қизнинг бир чойнак иссиқ чойи ва икки оғиз ширин сўзи ҳаммасини ёдимдан чиқариб юборади.

«Лочин» фермер ҳўжалиги бугунги кунда ўз хусусий «Белорус» тракторига эга. Трактор ўз номи билан серкирра. Ер ҳайдайди, текислайди, уруғ экади, ишлов беради. Ҳўжалик аъзолари сафи ҳам кенгайди. Оила аъзоларидан ташқари яна 4 ишчи ўрни қўшилган. Айниқса, сувчи Гаффор Туроновнинг мириш-қорлигига тарф йўқ.

Ҳозир бугдойдан бўшаган майдонларда қизгин иш олиб боришмоқда. Сархил такрорий экинларнинг айримларида иккинчи ишлов берилмоқда.

Абдумалик АБДУСАМАНОВ.

2001 йил – Оналар ва болалар йили

# ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Халқимиз болажон халқ. Аммо Тошкентнинг шундоққина яқинида жойлашган Зангиота туманида шу чоққача рости-мана туғруқхонанинг йўқлигига кўпчилик ишонмаса керак.

Бундай маскан бор, фаолият кўрсатаётган ҳам. Аммо у бир эски мактаб биносида жойлашган, у ерда айтарли ҳеч қандай шароит йўқ. Янги бино қуриш, жиҳозлаш лозим албатта. Аммо баҳона тайёр – маблаг йўқ. Ваҳоланки, туманда кўпгина иншоотлар «иш йўқлиги»дан ҳўхуллаб ётибди.

Излаган имкон топади, дейишади. Зангиотада шундай имконият топилди. Алгоритм заводига қарашли беш қаватли таъмирталаб бино

туғруқхона учун ажратилди. Уни замонавий услубда таъмирлаш учун қисқа давр ичида қурувчилар бу ерда 15 миллион сўмлик иш бажарди.

– Туғруқхона мажмуи 105 ўринга мўлжаллаб барпо этилмоқда, – дейди туман марказий касалхонаси бош шифокори Х. Эргашева. – Қувончимиз шундаки, бу ерда оналар ва болалар учун барча шароитлар мўҳайё этилмоқда. Гинекология, реанимация, туғруққа

тайёрлов бўлими, ҳомиладор аёллар патологияси бўлими, туғруқ бўлими, туғруқдан кейинги реабилитация бўлими, кон куйиш ва лаборатория бўлимлари фаолиятининг йўлга қўйиладигани шулар жумласидандир.

Айни кунларда янги иншоотда сўнги пардозлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган туғруқхона мажмуи туманда оналик ва болаликни чинакам муҳофаза этишга хизмат қилади деган умиддамиз.

Лутфулла СУВОНОВ.

## «АГРОИСТЕЪДОД» САБОҚЛАРИ

Республика ёш техниклар маркази ташаббуси билан очилган «Агроистеъдод» мактабида илм-фаннинг турли соҳаларига қизиқиш, илмий изланишлар олиб бораётган иқтидорли ўқувчилар ўз билим ва амалий кўникмаларини ошириб келишмоқда.

Янгийўл туманидаги 16-мактабнинг ёш агроистеъдодлари синфи мазкур дароҳ учун ўқув негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

«Агроистеъдод» бу йилги ўқув мавсумини бошлади. Ўртачирчиқ туманидаги Тўябўғиз сув омбори ёнгинасидаги сўлим бўл қучоғида жойлашган «Меҳржон» болалар оромгоҳида уюштирилаётган сабоқларга изланувчан толиби илмлардан 50 нафари қатнашмоқда.

Янги ўқув мавсуми муносабати билан ёш иходкор ёшлар яратган техник ишланмалардан иборат кўрғазма ҳам ташкил этилди. Улар орасида қишлоқ ҳўжалиги техникасига доир экспонатлар анчагина.

Акбар АЛИЕВ.

## МАГИСТРЛИК ИЛМИЙ ИШИ

Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғидаги тоғ тупроқлари ўзига хос агрокимёвий ва физик хусусиятларга эга.

Тўқ тусли бу бўз тупроқлар таркиби ва хосиятини ўрганиш юзасидан Тошкент Давлат аграр университетининг агрогенетика ва мухтаассислиги бўйича магистри Муҳаммад Умаров самарали тадқиқотлар ўтказаяпти.

Унинг изланишлари тоғ тупроқлари унумдорлигини ошириш, эрозиянинг олдини олиш, тупроқнинг сувга чидамлилиги хусусиятини чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Ўз муҳбиримиз.

Дехқон ер эгаси бўлиш ҳиссини англади. Эркин меҳнат нима беришини амалда кўрди. Ишлаган яхши яшашига ишонди. Хуллас, ернинг, мулкнинг қадрини тушунди. Келажоғи, тақдирини фақат ўзига боғлиқ эканлигини билди. Энди унга шарт-шароит, имконият яратиб берилса бас. Буни Бўқа туманидаги «Бўстон» ширкат ҳўжалиги мисолида кўриш мумкин.

Маълумки, ўтган йилги мавсум қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи – пахтачилик учун оғир келди. Айниқса, қузда пахта терими авж паллаб кирганда ёгингарчилик кўп бўлди. Саноқли туманлардагина режа удаланди. Бироқ, кўплаб ҳўжаликлар даладаги ҳўсиннинг бир қисmini бой бериб, шартномани бажара олмади. Шундай вазиятда «Бўстон» пудратчилари уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, режани 112 фоизга етказиб адо этдилар. Ваҳоланки, ҳўжалик ерлари шўрҳок, шўнинг учун кам-ҳўсил. Нафақат туман, балки вилоят бўйича ҳам ҳўсилдорлик режаси энг паст – 25 центнер қилиб белгиланади. Галла бўйича ҳам 35 центнер юзасидан шартнома тузилади. Чунки, деҳқоннинг манфаати камситилмаслиги, ҳар қим меҳнатига яраша моддий манфаат қўриши лозим.

Бошқарув раҳбарлари ҳўжаликдаги ички меҳнат тақсимотини ҳал этишда ана шу масалага оғишмай амал қилади. Табиийки, галлада пахтадагига нисбатан меҳнат анча енгил, даромад эса, аксинча, кўпроқ. Демак, раҳбарлар, аввало, ана шу номунасобибликни одиллона ва оқилона ҳал этишлари зарур. Зеро, ҳар икки тармоқда ишлаганлар ҳам меҳнатларига яраша даромадли бўлишлари керак. Акс ҳолда парокандалик юз бериши мумкин.

Масалан, бу йилги галлачиликни олиб кўрайлик. 864 гектар майдонга асосан «Қулава» ва «Қрошқа» нав бугдой экилган. Ҳўжалик бўйича ўртача ҳўсилдорлик 40 центнерданга тўғри келди. Дарвоқе, бу ҳўжалик тарихида энг юқори натижа. Кўплаб пудратчилар, жумладан, Абдулҳалил ва Бахтиёр Мирҳўлиқовлар, Холмат Жўраев, Зикр Валиев, Жамол Турсунбоев, Абдували Жўраев 47-57 центнердан ҳўсилдор кўтардилар. Улар 37 центнер юзасидан ҳўжалик билан ички шартнома тузганлари учун 4 тоннадан 13,6 тоннагача (неча гектар ер бириктирилганга қараб) дон оладиган бўлдилар. Буни пулга қақадиган бўлса, айримлар миллион сўмгача даромад кўтардилар.

Лекин, пахтачиликда вазият бошқача. Пудратчилар шартномада белгиланган оширган пахталарини бозорга олиб чиқиб сотолмайдилар ва келишилган нархда топширадилар. Бинобарин, галлакорларга нисбатан камроқ даромад кўтардилар. Юқорида айтганимиздек, ҳўжалик бошқаруви далада ишла-

килограммининг 45 сўмдан соти. Шўнинг ўзи 94,5 миллион сўм деган сўз. Ҳўжалик молия-ҳисоб марказининг таҳминий ҳисоб-китобига қараганда, соф фойда камда 25 миллион сўм бўлади.

– Пул бўлса чангалда шўрва, деган гап бежиз айтилмаган, – дейди бошқарув раиси Сирожиқдин Валиев. – Нақд пул бўлса муаммолар ечилиди, камчиликлар тўлдирилади. Ҳўжаликнинг нақд пули – соф даромади. Йил бошидан соф даромаднинг кўзлаб иш олиб бориш раҳбарининг биринчи галдаги вазифаси. Бунга эришилмас экан иқтисодий барқарорлик бўлмайди. Демак, ҳўжалик аъзолари ҳам даромаддан ёлқинмайди. Иқтисодий инкироз ҳам, моддий фаровонлик ҳам соф даромадга боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам биринчи галда соф фойдани кўзлаб иш тутаетган ҳўжаликларда галлачилик тармоғида яхши самара қўрилаяпти. Бироқ, пахтачиликда бунга эришиш қийин бўлаяпти. Аммо имконият топиш мумкин. Масалан, эндиликда «Бўстон» ҳўжалиги МТПдан фақат дон комбайни билан пахта териш машиналарини олиб ишлатаёпти. Бошқа барча зарур техника воситала-

рини кейинги йиллар ичида ўзи бутла олди. Ўтган мавсумда эса пахта теримида деярли хашарчи олинмади. Эллик фоизга яқин ҳўсил машинада терилди. Бу туманда ҳам, вилоятда ҳам энг юқори натижа. Пудратчи оилалар астойдил ҳаракат қилишди. Натижада хашарчиларга тўланадиган анчагина маблаг ҳўжаликнинг ўзида, яъни пудратчиларда қолди. Бундан ташқари режадан 12 фоиз кўп пахта сотилиб, яхши даромад кўрилди.

Ҳўжалик раҳбарлари бу йил терим мавсумида хашарчилар ёрдамидан умуман воз кечишмоқчи. Шўни мўлжаллаб, 1250 гектар майдоннинг ҳаммасига «Тошкент-6» навли пахта экилди. Раиснинг таъкидлашича, бу жуда машнабоб нав. Саксон фоиз ҳўсил пишганда машина солинса, чанокларда бир

ташқил этишда ҳам анча илгариллаб кетилган. Ҳўзир фермерлар 70 нафарга етди. 650 гектар майдондаги пахта шулар тасарруфиди, гўзалларнинг ривожини ҳам ўтган йилдагига нисбатан камда 20 кун олдинда. Қузда бир кун ҳам ҳўсил тақдирини ҳал қилиши мумкинлигини ҳисобга олсак, гўзанинг эртакчилиги яхши аломат.

Биз тўрт-бешта бригада даласида бўлдик. Ҳамма майдонларда гўза асосан эгат оралатиб сўғорилмоқда. Иккинчидан, сувга калий ўғити оқизилаяпти. Бу ҳам ўзига яраша илгор агротехника. Негаки, ҳўзир гўза айни ҳўсилга ўтирган пайт. Тупнинг учигача ҳўсил тугунлари жиғ-ғиғ. Калий эса айнан ҳўсилга ишлайдиган ўғит. Яъни кўсакни бўлиқ, чигитни тўқ, толани пишқ қилади.

Деярли ҳамма карталарда махсус қозиларнинг учига сариқ рангли кўтичалар ўрнатилган. Деҳқонларнинг тилида у хашарот тутқич экан. Зараркунанда пайдо бўлган ёки бўлмаганини шу кўтичаларни вақти-вақтида қузатиб, аниқлашар экан. Бўнинг учун ҳар бир бригадада қузатувчи тайинланган.

Хайриятқи, бу йил зараркунанда ҳам, касаллик ҳам йўқ. Бу бежиз эмас. Чунки, ҳўжаликда уларга қарши курашишдан кўра, олдини олишни афзал билишади ва шўни одат қилишган. Аввало, эрта қўқламда ҳар бир карта четидидаги арик-зовурлар ва йўл ёқаларига зараркунанда хашаротлар бола очиб, кўпайиб кетмаслиги учун биологик усулда ишлов берилади. Чигит қийғос униб чиқиб, ривожлана бошлаган, қузатув қучайтирилади. Мутахассисларнинг тавсиялари бўйича карталарга габробрэкон, олтинкўз фойдали хашаротлар тарқатилади. Улар зараркунандаларнинг тухумини қуритади. Бу тадбир ўзини оқлаяпти. Биринчидан, далаларда зараркунанда йўқ. Иккинчидан, ҳўжалик иқтисодий манфаат қўраёпти. Чунки, биологик усул арзон, захарли кимёвий дорилар эса анча қиммат. Ортиқча қиммат талаб қилмайдиган ва экологик тоза усул турганда нега энди ундан фойдаланмаслик керак!

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётининг асосий талаби – имконият борица ҳам сарф-харажат қилиб, кўпроқ даромад олиш. Ширкат, ижара ва оилавий пудрат таъминотларини жорий этишдан мақсад ҳам шў. Аввало, раҳбарлар бунини яхши тушуниб олган ҳўжаликда ишловларни ўз-ўзидан ўргатиш, иқтисодий юксалишга эришилди, меҳнатқилларнинг турмуш фаровонлиги ошиб бораверади. «Бўстон»ликлар бунини амалда ишловлашяпти.

Абдусамид Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

## Қишлоқ ва ислоҳот

# МЕҲНАТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ САМАРАСИ

грамм ҳам пахта қолиб кетмайди. Масалан, ўтган йилги мавсумда кўплаб бригадалар биринчи теримдаёқ режани ошириб бажаришди.

– Биз биринчи теримда гектаридан 36 центнердан ҳўсил йиғиштириб олдиқ ўшанда, – дейди тажрибали бригада бошлиғи Юнусхон Валиев. – Табриқлагани келишган раҳбарларнинг гапи рост бўлса, режани вилоятда биринчи бўлиб бажарибмиз.

Шў бригада даласида бўлганимизда гўзанинг ривожини кўриб хайратландик. Ҳар тупда ўнтагача бўлиқ кўсак санадик. Пастки шохларидагиси тухумдек бўлиб қолган. Мана шў кўсаклар августнинг охирига бормай очилди деяринг, деди раис ва ўртача бир тупни танлаб, шохини санади – 14та. Демак, иккинчи чеканкани яқунлаш керак. Раис эгатага тушиб, икки ёндаги бўйдор гўзаларнинг учини ўн метрлар чамаси жойгача чилиби бориб, бригадирга қозланди:

– Мен бошқа бердим, бунини оқ фотиҳа ўрнида қабул қилинг-да, бугундан пудратчиларга тайинланг. Кўпчилик бўлиб ишга киришсинлар. «Бўстон»да фермер ҳўжаликларини

## Тадбир

# ҲИНДИСТОН САФАРИ ОЛДИДАН

Гроссмейстер бирйўла 21 тахтада сеанс берди

Чирчиқ азал-азалдан ўзининг шахматчилари билан машҳур бўлиб келган. Шаҳарда тўғилиб, камол толган Сергей Загребелний, Михаил Солтаев, Сайдали Йўлдошев каби халқаро гроссмейстерлар, ўн саккиз ёшгача бўлганлар ўртасида жаҳон чемпиони Флора Ҳасановаларнинг номи юртимиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир.

Куни кеча шахарнинг Кимёгарлар маҳалласида жойлашган «Зийнат-нур» шахсий фирмасининг директори Зоҳиджон Нурумбоевнинг ҳомийлигида «Наврўзбек» чойхонасида аҳойиб шахмат учрашуви бўлиб ўтди. Халқаро гроссмейстер Сайдали Йўлдошев бирйўла 21та тахтада сеанс бериб, ўзининг ҳамшаҳарларини хурсанд этди.

Шў куни ўн ёшдан етмиш ёшгача бўлган шахмат ишқибозлари ўзларининг кучларини синнаб кўрдилар. Етмишдан ошган Тўйчи ота Раҳмонов, Анорбек Рустамов, Абдулла Зубаев, Рустам Елемесов, Станислав Ли, ўн ёшли Гулрухсор Эшонбоева каби йигирмадан ортиқ ишқибозлар гроссмейстерга етарли даражада қаршилик кўрсатдилар. Барибир маҳорат ва билимдонлик устун келди. 12 ёшли Даврон Сулаймонов дуранг натижага эришган бўлса, қолган иштирокчилар мағлубият тини тан олишга мажбур бўлишди.

– Ўшбу учрашувини ўтказишда астойдил ҳаракат қилган пенсионер Одижон Ҳамроалиев, яқинда ташкил этилган Чирчиқ шахар шахмат федерациясининг президенти, шахматнинг чинакам фидойиси Ризқиддин Эсонбоевларга раҳмат айтганам, – деди Сайдали Йўлдошев. – Эрта-индин Ҳиндистонда Осиё биринчилиги бошланади. Ўша учрашувлардан олдин бу бир машқ бўлди. Насиб этса Осиё биринчилигида муносиб иштирок этиб, уларнинг юзини ёруғ қилишга интиламан.

Турсун АБДУЛЛАЕВ.



СУРАТИ: ўйин пайти.

# 10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

## 2. Ислоҳотнинг шароитга мос йўлидан

Республика Президенти Ислам Каримов Тошкент вилояти феодалари йилгилида ислоҳотлар шунчаки ислоҳот учун эмас, балки ҳар томонлама қудратли давлат, фаровон жамият барпо этишни кўзлаб ўтказишнинг лозим деган фикрини баён этган эди. Биз Куйичирчиқ туманида бўлганимизда ҳар бир соҳадаги янгиликни ва ўзгаришлар айнаи шў нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётганини ишонч ҳўсил қилдик. Хусусан, санаот ишлаб чиқаришини тўлдан ислоҳ қилиш туманининг ўзига хос шарт-шароити ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда асосан уч йўналишда олиб борилаяпти, дейиш мумкин.

Маълумки, бир пайтлар собиқ Иттифок худудидида факат ўзбекистонда, Ўзбекистон бўйича эса факат Тошкент вилоятида, Тошкент вилояти бўйича эса асосан учта туман, яъни Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Куйичирчиқ туманларида қаноп етиштирилган. Аммо Иттифокнинг тўзиши, иқтисодий алоқаларнинг издан чиқиши муносабати билан, халқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқлари қатори қанотчилик ҳам инкирозга юз тутди. Чўноччи, қаноп учун ажратиладиган майдонлар кескин қискарди, қаноп заводлари тўхтаб қолди. Жумладан, Куйичирчиқ туманидаги 7-8та шундай қорхона ҳам фаолиятсизлидан нураб, тўзиб, қўплари хатто, йўқ бўлиб кетди.

Холбуки, қаноп толасидан ишлаб чиқариладиган бир қатор махсулотлар халқ ҳўжалигининг айрим муҳим тармоқлари учун жуда зарур эди. Шў боис санаот ишлаб чиқариши тармоғини қаноп толаси ва ундан тайёрланадиган махсулотларга нисбатан талаб ва эҳтиёжини аниқ ҳисобга олган ҳолда қайта тиклашга қарор қилинди. Хусусан, очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган «Гул» қаноп заводчининг бир йилда 11 минг тонна қанопни қайта ишлаб, 1,2 минг тоннагача тала тайёрлаш қуввати қайта тикланди. Бу ерда 100та янги иш ўрни ташкил этилди.

Келгусида эса, қаноп экиладиган майдонларни кенгайтириш ҳисобига заводда 2,5-2,8 минг тонна тала ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва иш ўринларини 200тага етказиш режалаштирилди. 2002 йилдан эса қўлқоп ва махсус иш қоржомалари ишлаб чиқариладиган цех ишга туширилади ва бу билан яна 70тагача қўшмача иш ўринлари очилади.

Айни кунларда яна битта шундай завод – «Янги ҳаёт» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти аниқ мақсадни кўзлаб, тўлдан қайта таъмирланмоқда. Гап шундаки, келажакда «Гул»да ишлаб чиқариладиган қаноп толасининг ҳаммаси «Янги ҳаёт»да тўла қайта ишланади, тайёр махсулотга ай-

лантирилади. Бу ерда йилгига 500 тонна йигирув ашёлари (арқон, ип) ва 1,5 миллион метр узунликда ўрлаш матоси ишлаб чиқариладиган бўлади. Шўнга яраша яъни 200дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилади. Шў мақсадда ҳўзир 10 киши «Қаноп» жамоа қорхонасида ўқитилмоқда.

Яна бир қаноп заводи – «Қўрғонча» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти келажакда балиқ етиштирадиган ва қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлайдиган қорхонага айландирилган бўлди. «Балиқчи» ҳиссадорлик жамияти бошидаги «Шарк» ширкати «Қўрғонча»ни шў мақсадда сотиб олди. Собиқ заводининг қаноп толаси увилиладиган сув хавзалари махсус таъмирланиб, айни пайтда балиқ боқилмоқда.

Туман ҳўкимлиги раҳбарлари республика Пре-



зиденти ва ҳўкуматнинг қорхоналарини чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳўсуийлаштириш борасидаги кўрсатмаларини бажаришга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, «Балиқчи» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти акцияларининг 36,1 фоизи чет эл инвесторларига мўлжаллаб қилинган эди. Ўшбу акциялар қиймати 316,6 минг АКШ доллари миқдориди баҳоланган, шў йил 18 майдаги олди-сотиш шартномасига мувофиқ Германиянинг «Юнитед ФООТ» технологиясига «А» компаниясига сотилган, бу ерда ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, четга махсулот экспорт

қилиш учун кенг имкониятлар йўли очилди. Масалан, «Балиқчи»да «Юнитед ФООТ» технологиясига «А» немис компанияси билан ҳамкорликда қўша қорхона очиб режалаштирилди. Мақсад – «Балиқчи» қошида фабрика очилди. Унда чўчүк судда яшайдиган осетра балиғи урчилади, боқилди ва икра олинади, гўштидан эса филе тайёрланади.

«Юнайд Фуут» немис фирмаси Германия банкидан 56 миллион евро кредит олиб, ўшбу қўша қорхона қурилишига сарфлайди. Шўндан 46 миллион еврога фабрикада ўрнатиладиган асбоб-усуналар сотиб олинади. Қолган 10 миллион евро қурилиш ва бошқа ишларга сарфланади. Фабрикани бир йўл 8 ойда қуриб битақиб, илға тушириш мўлжалланган. Лекин у асосий махсулот – осетра икрасини 4 йилдан сўнг бера бек шлайди. Ўнчага бўлган икки ярим йилга яқин вект давомиди эса у «Балиқчи»да етиштириладиган балиқларни қайта ишлаб, тайёр махсулот чиқариб туради.

Қўша қорхона бир йилда 50 тонна қора икра



нинг «Национале дел-Лаворе» банки ўртасида кредит шартномаси имзоланганидан сўнг қурилиш ва ускуналарни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йилгиликда республика Президенти қичик ва ўрта бизнесни, ҳўсуий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, уларни бутун қоралар билан қўллаб-

## РАҚАМЛАР СЎЗЛАДИ

- Шў йилнинг ўтган олти ойи давомида 1283,3 млн. сўмлик санаот махсулотлари ишлаб чиқарилиди. Бу ўтган йилнинг шў давридагидан 14,2 фоиз кўпдир. Вилоят бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан ўсиш эса 4,3 фоиз бўлди.
- Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари 214,1 миллион сўмга етди. Бу борада ўтган йилнинг шў давридагига нисбатан ўсиш 40,8 фоизга тенг бўлди.
- 2001 йилнинг биринчи ярмида 11,5 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди.

ишлаб чиқариш қуввати эга бўлади. Шў махсулотнинг 85 фоизига четга экспорт қилинади. Ҳўзирги пайтда Европада бир кило

қувватлашни бугуннинг устувор вазифаси қилиб қўйди. Бу борада ҳам туманда аниқ мақсадларга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Шў йилнинг ўзида 33та қичик ва ўрта бизнес субъектлари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 591тага етказилди.

Ҳўсуий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилаётгани шарафати билан туманда битта муқобил МТП ва «Шарк» агросервис масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Шў давргача у деҳқон ва фермер ҳўжаликларига 48 миллион сўмлик хизмат кўрсатди.

Туманда қичик ва ўрта бизнесни, ҳўсуий тадбиркорлиқни ривожлантириш, ишбилармонларга кенг йўл очиб мақсадиди барча бозор инфратузилмаларини бирлаштирувчи «Бизнес марказ» ташкил этилмоқда.

СУРАТЛАРДА: тажрибали мутахассис Ҳамза Саидмуродов бошқиб бригада «Балиқчи» ҳиссадорлик жамиятидаги энг илгор жамоалардан ҳисобланади; «Ўзбекистон» тажрибали ҳўжалик худудидида «Чорвадор» оилавий фермер ҳўжалиги бошлиғи Нурилло Ҳўшимов (ўнгда) қолбаса цехи мутахассиси Шавкат Патмуллин билан махсулот сифатини кўздан кечиришда; туман МТП бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Пулат Бойбеёнов (чапда) бир сўрүх механизаторлар билан пахта териш машиналарининг мавсумга шай-лашни текширувдан ўтказишмоқда.

# 10-АСРГА ТАТИГУЛИК ИЛЛАР

## 3. Деҳқон эркин, меҳнат завқли

**Қуйичирчиқ — вилоятнинг қишлоқ ҳўжалик тармоғидаги юки оғир туманларидан бири. Шунга яраша мавҳ ва нуфузи бор. Узоқ йиллар машҳал туманлар сафида бўлиб, айниқса, пахтачилик соҳасида донг таратиб келганлиги кўпчилиққа маълум.**

Лекин афсуски, кейинги йилларда, тўғрироғи 1996 йилдан бун айнан шу пахтачилик соҳаси оксай бошлади. Ҳолисона эътироф этиш керакки, бунинг факат шу ҳудудга хос бўлган узрли сабаблари бор. Туман ҳокимлиги раҳбарлари ва мутахассислари ана шу муаммоларни тез ва самарали ҳал этиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришди. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш комиссияси ушбу дастурнинг ижросини қатъий назорат остига олган.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштиришга қаратилган ушбу дастурда асосан учта йўналишга жидай эътибор қаратилган. Биринчиси бозор иқтисодиёти тамойилларининг тўла кў билан амал қилишини таъминлаш учун ҳўжалик тузилмаларини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тўбдан ўзгартиришдир. Соддароқ қилиб айтганда, жамоа ҳўжалиқларини ширкатларга айлантириш, оилавий пудрат, ижарачилик ва фермерлиқни ривожлантириш жараёндарини тезлаштиришдир. Бунинг даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳўш, бу борада туманда қандай амалий ишлар қилинмоқда? Аввало, жамоа ҳўжалиқларини ширкатларга айлантиришга ўзига хос йўл ёндашилмоқда. Яъни асосий эътибор шаклга эмас, мазмунга қаратилмоқда. Ширкатга айлантирилган ҳўжалиқларда оилавий пудрат бутун шартлари билан тўла жорий этилди. Хар бир аъзонинг қўлида пай улуши гувоҳномаси бор. Ҳўжалиқнинг молия-ҳисоб марказида уларнинг хар бири учун ҳисоб вараклари очилиб, қўлларига ҳаражат ва даромадлар қайд этиб бориладиган чек дастарчаси бериб қўйилган. Пудратчилар билан ҳўжалик ўртасидаги ҳамма ҳисоб-китоб ишлари ана шу дастарчалар орқали молия-ҳисоб марказида олиб борилади.

Бугунги кўнга келиб туманда оилавий пудратчилар сонини галачилиқда 1306 нафарга, пахтачиликда эса 2475 нафарга етди.

Бундан ташқари бошқа экин майдонларида 476 нафар пудратчи фаолият юритмоқда. Шунингдек, 172,5 гектар боғ ва 26 гектар тоқзор ижара-чиларга бириктириб берилган.

Шу ўринда бу янгиланишлар амалда қандай самаралар берди, деган савол туғилиши табии. Жавоб учун ортиқча тафсилотларга берилмай, факат галачилик тармоғида кейинги икки йилда эришилган ўсиш сўратларини мисол қилиб келтириш мумкин. 1999 йилда ҳосилдорлик 28,7 центнерданга тўғри келган бўлса, ширкат, ижара, оила пудрати амал қила бошлаган 2000 йилда 32,5 центнерга кўтарилди ва вилоят ўртача кўрсаткичидан бирмунча ошди. Бу йил эса туман тарихида биринчи марта 37,5 центнерга чиқди. Давлатга режадаги 27 минг 40 тонна ўрнига қарийб 30 минг тоннага яқин дон сотилди. Пудратчиларга ҳамда ҳўжалиқларнинг ички эҳтиёжлари учун 13 минг тонна галла қолди. Айрим илор пудратчилар 10 тоннагача бўдой олдилар.

Туман ҳокимлиги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастуридан ўрин олган иккинчи муҳим йўналиш — фермер ҳўжалиқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, уларни ҳам моддий, ҳам руҳан қўллаб-қувватламоқда. Бугунги кўнда қишлоқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган фермер ҳўжалиқлари сонини 217тага етди. Улар 3645 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Ҳокимлик биринчи навбатда фермер ҳўжалиқлари раҳбарларининг билими, касб маҳорати ва ташкилотчилик қобилиятини ошириш ҳақида жидай қўйғурмоқда. Чўноқни, шу йил февраль,

**СУРАТЛАР:** А. Навоий номи ишлор ҳўжалик аъзолари ҳосилдорлиқни республикада энг юқори — 30 центнерлик даражадан оширдилар. Бунда таърибали ишлор Озод Акбаров бошлиқ бригаданинг ҳиссаси катта. Улар хар йили 70 центнердан ошириб хирмон қўтармоқда. Бирдидир (юқоридеги суратда чапдан иккинчи) ва аъзолардан Икром Саидзимов, Рустам Акбаров, Зафар Қўчқоровларнинг бу йили ҳосил қўлидан кўнглилари тўқ; Отажонов номи ширкат ҳўжалигида мева нарқ пшиди. Пудратчи Равиля Умарованинг (пасидеги суратда чапдан иккинчи) 6 гектарлик олма боғида ҳосил, айниқса мўл бўлди.

# ҚУЙИЧИРЧИҚНИНГ ЗАВҲОРЛИ ОДИМЛАРИ

март ва апрель ойларида улар учун фермерлик фаолияти давоида мўнтазам керак бўладиган муҳим масалалар — фермерларнинг ҳўқуқ ва бурчлари, шартномалар тузиш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри олиб бориш каби мавзуларда машғулот-кенгашлар ўтказилди.

Ўз фаолиятларини янада кенгайтиришлари, қишлоқ ҳўжалик техникалари харид қилиш ва чорва моллари тўғрисида кўпайтиришлари учун фермер маблағлари актротилмоқда. Жумладан, «Ваҳобхон» фермер ҳўжалиги ва «Ирина» деҳқон ҳўжалигига чорвачилиқни ривожлантириш учун 3 миллион, «Барот ота» фермер ҳўжалигига техника сотиб олиш учун 2 миллион сўм кредит берилди. Юридик масолага эга бўлмаган деҳқон ҳўжалиқлари ҳам 12 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Фермер ҳўжалиқларини техника воситалари билан иложи борица мукамалроқ таъминлаш мақсадида лизинг хизматидан ҳам кенг фойдаланишга ҳаражат қилинмоқда. «Ўзқишлоқҳўжаликмашинизинг» компанияси билан шартнома тузи-

қурлаштириш дастурига киририлган учинчи зарур тадбир ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, кейинги йилларда пахта етиштириш режалари барбод бўлаётганлигининг асосий сабабларидан бири сизот сувларининг юзага кўтарилиб, ернинг шўрланганлик даражаси ортиб бораётганлиғидир. Шу боис туман ҳудудидаги мавжуд арик-зовурларни, биринчи галда эса ер ости сувларини қочиртиришга хизмат қиладиган ишотларни сифатли тазолашга киришилди. Айниқса, 2000 йилда бу ишларни баҳаришга мавжуд қорлар имкониятлар сафарбар этилди. Ўттизтагача экскаватор юксак унум билан ишлатилиб, белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Жами 1122

километрдан узунроқ масофага чўзилган арик-зовурлар тазоланди. Бу иш 2001 йилда ҳам давом эттирилиб, 900 километр узунликдаги ишотлар сифатли таъмирланди.

Туман ҳокимлиги ҳўжалиқларнинг техникага бўлган талаб-эҳтиёжларини ўғатиб, янгиларини харид қилиш имкониятларини излаб топмоқда. Туман ҳўжалиқлари эҳтиёжини қоплаш мақсадида шу йилнинг ўзиде лизинг йўли билан 33та техника воситасини сотиб олиш учун шартнома тузилди ва 23 миллион 760 минг сўм маблағ ўтказилди. Бугунги кўнда 22та ана шундай янги тракторлар ҳўжалик пахтазорларида қатор ораларини ишлатишда ишлатилмоқда. Ҳозир қолган 11та техникани ҳам олиб келиш чоралари қўрилмоқда.

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Ярим йилликда туман бўйича 2553 тонна гўшт ва 8094 тонна сўт етиштирилди.
- Айнин пайтда туманда 20118 бош йирик қорамол, шу жумладан 8981 бош сигир боқилмоқда.
- Шу даврда 2210 тонна сабзавот, 3400 тонна картошка етиштирилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сабзавот бўйича ўсиш 21,6 фоизга тенг бўлди.

Аниқ дастур асосида амалга оширилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. 13350 гектар майдондаги гўзанинг ривожини яхши. Гектарлар тўлиқ. Хар туп гўзада ҳозирданок ўртача 8-9тадан бўлиқ қўсақ бор. Бошқача қилиб айтганда, далаларда туманинг 35340 тонналик пахта хирмонини қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланмоқда. Пахтакорлар бу йил юзлари, албатта, ёруғ бўлишига қомил ишонч билан меҳнат қилмоқдалар.



либ, «Лочин», «Шўҳрат-2», «Рустам-И» ҳамда «Алишер» фермер ҳўжалиқлари ТТЗ ва МТЗ русумли тракторлар олиб берилди.

Иқтисодий ислохотларни чу-

### Шундайлар бор бўлсин

# УШАЛГАН ОРЗУ



**Инсон ҳаётда ўз иқтидори, салоҳияти, билимига монанд йўлини топиб олсагина ишн ўнгидан келадн, турмуши яхши бўлади. Бунда у тарбия топган муҳит, энг аввало, ота-онанинг хизмати бекиёсдир.**

Афсуски, Акбар отаси дийдорига, сўхбатларига тўя олмади. Етти ёшида етим қолди. Отаси Мирфатҳулло деҳқон далада қўш ҳайдаб турган вақтида уни «сен халқ душманисан» деб қўлига кишан солиб, олиб кетдилар.

Оиланинг бутун оғирлиғи Сарабегим зиммасига тушди. У Акбарнинг кўнглини ўқситмади. Ақлли-хушли, одобли қилиб ўстиришга ҳаражат қилди. Ҳамиша ҳалолликдан, тўғрилиқдан сабоқ берди.

Акбар ака эслайди:

— Олий маълумотли бўлиб, уйланиб, бола-чақали ҳам бўлибманки, онамлар мени тергаши қўймаддилар. Баъзан рўзгор ҳаражатларини кўриб: «буларни қаердан олдинг, болам» деб суриштириб қолардилар. Ўшанда ўзимча ҳафа бўлардим. «Бу нима деганингиз, онажон, — дердим. — Ахир биласиз-ку, маошим ҳам ёмон эмас. Каттагина лавозимда ишлайман», — Биламан, — дердилар онам, — сенинг ишинг нозик, шунинг учун ҳам гапирялман-да!».

Акбар Ўрта Осиё политехника институтини муваффақиятли тугатгач, турли муассасаларда ва ташкилотларда ўз мутахассислиғи бўйича ишлади. Лекин 32 йиллик фаолияти назорат тизимларида меҳнат қилиш билан боғлиқдир.

У ҳамиша адолат, ҳақиқат учун курашини шир қилиб келди. Шу мақсадда у ёки бу масалани, муаммоларни ҳал этиш жараёнида кўпроқ оддий одамларга суянди, уларнинг дарди-ҳасратларини эринмай тинглади, фикр-мулоҳазаларини мушоҳада қилиб, ўзича ҳулосалар чиқарди. Зарур пайтда уларни тўхматлардан, маломатлардан қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Халқимиз «тўхмат балосидан асрасин», деб бежиз айтмайди-ку. Шундай пайтда Акбар ака ўша «айбсиз айбдор»нинг ёнини олиш учун бутун маҳоратини ишга соларди. Зотан, барча далил ушлар тўхматга учраган инсоннинг фойдасига «ишлаб турганидан» кейин, қандай қилиб уни ҳимоя қилмаслик мумкин?! Нега энди айрим мутасаддиларнинг раъйига қараб юқори-га ёлгон ахборот, маълумот бериш керак? Акбар ака шундай деб уйлар-

ди, мулоҳаза қиларди, ўз фикрида қатъий турарди. Шунинг учун у баъзи раҳбарларга ёқмасди. Қатагонга учраган пайтлари ҳам бўлган. Лекин ҳеч вақт ўз йўлидан қайтмади. «Шундай кунлар келадикки, ҳақиқат, адолат бир кунни енгиб чиқади» дея орзу билан яшади.

Шундай бўлди ҳам. Мустақиллик туфайли Акбар аканинг ораулари амалга ошди. Меҳнат жамоаси уни катта иззат-ҳурмат билан нафақага узатди. Лекин у ишамасдан, элга хизмат қилмасдан туролмасди. Бунинг учун унга имконият яратиб бердилар.

У ёши етмишни қоралаган бўлса ҳам бугунги кўнда Тошкент вилояти иқтисодиёт ва статистика бошқармасида, жамлама ва ахборотларни таҳлил этиш бўлимининг бошлиғи бўлиб ишляпти. Ўзининг камтарона меҳнати билан вилоятда иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг амалга ошишида баҳоли қудрат қатнашиб келмоқда.

— Мен бахтли оиладанман, — дейди Акбар ака. — Турмуш ўртоғим Гулсара Козимова билан ўттиз беш йилдан бўён тутув яшаб келаяпмиз. Сиз озғимиз сенга бормаган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими. Ҳаётда нимаики ютқўча эришган бўлсам, бунда энг аввало онамларнинг, қолаверса, турмуш ўртоғимнинг хизмати, ёрдами, далдаси билан эришдим, деб дадил айта оламан.

Бу бахтли оила беш фарзандни тарбиялаб, воғга етказди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, оилали. Ўлнинг қор-ҳайрига ярайдиган ишнинг бошини тутишган.

— Ана шунақа гаплар, биродар, — дейди ўн бир неваранинг бобоси Акбар ота. — Ҳозирги кўнда ишонли топширилган вазифани ундалаш билан бирга ёшларга мураббийлик қилишни, зарур пайтларда уларга амалий маслаҳатлар беришни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман.

Ҳақиқатан ҳам бу оддий, самимий, камтарин инсоннинг ҳаёти ибратли ва ундан ўрнат олса арзийди. Шу ҳақда ўйларканман, қалби тоза, виждони пок, эл дарди билан яшайдиган одамларнинг умри узоқ бўлишига ишонгим келадди.

Носир РИХСИЕВ.

### ДУШАНБА, 6

#### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45, 17.55 ТВ маркет.  
8.50 «Ўзбектеlevision»  
намоиши: «Қалб садолари».

9.05, 12.25 ТВ метео.  
9.30 «Санъат олами».

9.30 «Нафосат гулшани».

Муслиқ дастур.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00

Янгиликлар.  
**Болаларнинг ёғи таътил**

**қўлида:**  
Мультифильм.  
10.20 «Бўзқў йили». Бадий фильм.

11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

12.05 «Шоҳруқ клуби».

12.30 «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.

12.55 «Дўбл мадҳи». Муслиқ дастур.

13.20 «Ўзбек спорти одимлари».

13.45 ТВ-1 намоиш этиди:  
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».

14.25 Кундузги сеанс: «Ота меҳрини қўрмаганлар».

Бадий фильм.  
15.55 «Шарқ тароналари». III

халқаро мусика фестивали олдидан.

16.05 «Бу ақиб фасл».

Телеальманах.  
16.35 «Зиё» студияси намоиш этиди: «Эътиқод мустаҳкамлиғи йўлида».

17.05 ТВ анонс.

17.15 ЎзТВ ҳазинасидан.  
«Бобур». Видеофильм. 7-қисм.

18.10 «Ўзбекистон фуқароси».

18.25 Муслиқ танлаффус.

18.35 «Сўғурта».

18.50 «Бахтли воқеа». Телелоте-рея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00

Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Истиқлол нашидаси».

Муслиқ дастур.  
21.45 «Футбол олами».

22.05 «Маънавият» дастури.

22.50 «23, 51 буркан остида».

Телесериал премьераси. 17-қисм.

23.15 «Ахборот».

23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр тонғи».

10.00 «Янги авлод» студияси:

«Капта танлаффус».

### СЕШАНБА, 7

10.50 «Мультишомша».

10.50 «Нихол» мукофотиға

номзодлар.

11.00 «Давр ҳафта ичиди».

11.40 Автосалтанат.

11.55 Саломат бўлинг.

12.15 «Нодирабегим». Муқимий

номидаги Ўзбек Давлат

муслиқ театрининг спектакли.

1-қисм.

13.30 «Давр»-news.

13.50 «Нодирабегим». Муқимий

номидаги Ўзбек Давлат

муслиқ театрининг спектакли.

2-қисм.

14.55 Спорт ҳафтанома.

15.10 «Меҳрибонлик». Бадий

фильм.

16.30 «Заковат» интеллектуал

ўйини.

17.25 «Янги авлод» почтаси.

17.45 Остонадаги орзулар.

18.05 «Қамолот» сари. Бухоро-

дан репортаж.

18.20 Ватан ҳақида қўшиқ.

18.25 Ёшлар овози.

18.45 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Ўқилм.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш»

латифалари.

19.35 «Нихол» мукофотиға

номзодлар.

19.45 Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 10

йиллиғига. «Моҳият». Видео-

фильм.

20.10, 21.25, 22.30 Эълонлар.

20.15 «Мерос». Бадий фильм.

1-қисм.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Тунги тароналар ва

«Эколаш» латифалари.

22.40 «Даллас». Телесериал.

23.25 «Давр». Ахборот дастури.

23.40 «Ёшлар» телеканалда

спорт: Интерфутбол.

1.15-1.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.20 Кўрсатувлар тартиби.

17.25 ТВда сериал: «Санта-

Барбара».

18.05 «Муслиқ меҳмонхона».

18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот

дастури.

18.50 «Мустақиллик тенгдошлар

и».

19.05, 20.05 «Экспресс» телега-

зетаси.

19.15 «1 36, 6». Муслиқ дам

олиш дастури.

20.15

# 10 АСРГА ТАТИГУЛИК МИЛЛАР

## 4. Ифтихор шундай бир қанотки...

Ангрен устидан ўтган янги кўприкда туриб, олис-олисларга ёйилиб кетган дала ва боғларни, кишлоқларни кузатамиз. Бейхитёр кўксимизда илиқ бир тўлқин пайдо бўлади. Унинг мавжлари шу юрт фарзандлари эканлигимиз билан фахрланиш туйғусидан куч олади.

Ёнимизда Бекжон Одибеков ҳам ана шундай, балки бундан-да ўн чандон зиёда ҳаяжон оғушида. Хали, ҳокимликда уни таништири туриб, туман газетасининг муҳаррири Саиджон Мустафоев шундай деди:

— Туманимиздан етишиб чиққан биринчи бош ҳаким! Бу оддийгина гап ҳам қанчалик ифтихор билан айтилганини ҳозир, янги кўприк устида туриб тамомла тўлалигича ҳис қилдик. Бу ҳиссиёт «тупканинг таги»даги «Она ва бола» сикатгоҳига кетаётганимизда ҳам бизни тарқ этмади.

Йул-йўлақ Бекжон туман соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларнинг бориши ҳақида ҳикоя қилиб борди.

Президентнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури Куйичирчида изчил, босқинча-босқинча бажарилаётди. Чунончи, оғир ҳолатда шифохонага тушган беморларни тез, малакали ва бепул даволаб, оёққа тургази учун ташкил этилган шошилинч тез тиббий ёрдам маркази олти ойда 864 беморни даволади. Шу муддатда 529 мартаба шошилиш жарроҳлик амалиёти бажарилиди. Марказ ўз клиник лабораторияси ва эндоскопия хонасига эга бўлди.

Туманда кафолатланган бепул тиббий хизмат даражасини кўтариш учун кўп иш қилинди. Аввало, Бекжон билан сўхбат асосида бир нарсасга амин бўлдик: беморлар бирламчи ёрдам дори-дармон билан бепул таъминланмоқда. Жумладан, шу йилнинг дастлабки

олти ойида кишлоқ шифокорлик пунктлари, амбулатория ва поликлиникаларга 711,8, шифохона беморларига 655,3, тез ёрдам тизимига 1,01 миллион сўмлик дори-дармон ажратилди. Бундан ташқари ижтимоий аҳамиятга молик дардларга чалинган ва аҳолининг имтиёзли катламларини даволаш учун 3,7 миллион сўмга яқин дори-дармон сарфланди.

Бошқа бир йўналиш — патронаж ва сайёр гуруҳлар тузиб, туғиш ёшидаги аёллар, ўсимлар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш бора-бора саноат ҳақиқатлар ҳам салмоқли, самарали. Бу жа-



СУРАТДА: «Она ва бола» дам олиш ва даволаш масканларида бу йил 250 нафар она-болага малакали тиббий хизмат кўрсатилди. Улар физиотерапевт Камилла Умарованинг ёрдамида, айниқса, миннатдор бўлдлар.

раёнда аниқланган дардчил она ва болалар Беруний номи жамоа кўчалари ҳудудидан — «тупканинг таги»даги

# Куйичирчиқнинг завороти оқимлари

гоҳида соғломлаштирилмоқда.

Учинчи бир йўналиш — кишлоқда тиббий хизмат сифатини ошириш борасида ҳам Президент дастури изчил бажариламоқда. Гул ва «Ўзбекистон» тажриба кўчаларида кишлоқ шифокорлик пунктлари иш бошлади. Умуман, шундай мақомдаги шифо масканларида ишлаш учун 20 шифокорнинг малакаси оширилди. Уларнинг аксарияти марказий ўқув даргоҳларидаги машғулотларда қатнашди.

Тўғри, соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам бозор муносабатлари ўз таъсирини кўрсатди. Чунончи, Куйичирчиқда биринчи ярим йилликда беморларга 1,8 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Бироқ, бу бюджетдан ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар олди-да, очиги, денгиздан бир томчи, холос.

Туман ҳаётининг ижтимоий

ганлигини кўрсатди. Шунинг билан кифояки, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, қўл тўпи, стол тенниси, шохмат-шашка ва енгил атлетика бўйича туман спортчилари вилоят биринчиликларида муқим биринчи ёки иккинчи ўринларни эгаллаб келмоқда. «Ғалаба» спорт клуби шаклланиб келмоқда. Спорт мусобақалари умумхалқ байрамлари тусига кириб бораётган. Хусусан, мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган Дўстобод шаҳри маданият ва

юқори поғонасига кўтарилиши.

Ўзгаришлар ҳаётнинг барча жабҳаларида кўзга ташланади. Улар кишлоқларнинг бугунги кифосида, Дўстобод шаҳридаги файзли ўзгаришларда мана деб турибди. Туман ҳокимиятининг рўпарасида замона тамойилига мос ва хос улкан ишшоот қуриляпти. Ҳоким Жаҳонгир Файзиев иш кўнини шу жойдаги ҳарир пардалар билан қуршалган мўъжазгина ай-

- ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**
- Бир йилда 23 километрни табиий газ шохбаси бермо этилди.
  - Тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 88,5 фоизга етди.
  - Ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳомийлар 1,2 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатишди.
  - Туманда клублар сони бир йилда 11тага кўпайди.
  - Спорт майдончалари 250 фоиз ошди.

вончада бошлаб, шу ерда яқунлайди. Бу иншоот — Хотира майдони.

— Уни барпо этиш учун туман бўйича марафон ўтказдик, — дейди ҳоким ўринбосари Орифжон Воҳидов. — Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу иншоот 34 миллион сўм билан тикланиши керак эди. Қурилиш бошланиб, янги-янги гоёлар тўғилипти. Шу боис бу ишга 65 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланаяпти.

Излаган имкон топиши шу эмасми!

Бугунги кунларимиздан ифтихор туйғусини дилларга жо этиш саноат ҳақиқатлари мана шунақа бўлмай-дими!

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Абдусамид ЙЎЛДОШЕВ, Даврон АҲМЕДОВ, (суратлар) «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.**

истироҳат боғида ўтказилган кураш бўйича вилоят биринчилигида шундай бўлди. Бу мусобақаларда Куйичирчиқ полволлари шохсупанинг энг

## Турмуш чорраҳаларида

# МЕҲМОН НЕГА РАНЖИДИ?

Жарариқ кўнчилар маҳалласи бўлган. У ердаги хунармандларни тошкентликлар пешонаси ярқироқ дейишган. Негаки, кўнчилар эрталаб бозорга кетишадиганда эндигина оғтоб чиқиб келадиган шарқ

нинг сиёсати яна ўзгариб, озми-кўпми тўқ яшаганларни сиқиштира бошлаган.

Шоилхон ака Саудия Арабистонига бош олиб кетишга мажбур бўлган. У ерда ҳам ишни йўлга қўйиб, яхши умр кечирган. Аммо бир марта бўлса ҳам Ватанини зиёрат қилиш орузи ушалавермаган. Шўролар бу ердан кетганларнинг доимий туриш учун келишигагина эмас, балки келиб-қетишига ҳам йўл қўймаган. Шоилхон ака кексайиб қолганида ўғилларига илож бўлди дегунча, албатта бориб, Ватанини зиёрат қилишни васият қилган.

Мустақиллик шарофати билан йўللар очилиб, Ватанга бориш имконияти туғилди. Ўғил ота орузини амалга ошириб, Тошкентга келди. Уни жарариқлик қариндошларидан бири қутиб олади.

Учиб келган шахсий самолётини аэропортга қўйиб, шу қариндошининг хонадонидан турадиган бўлади. Қариндоши қизини узатиш тарафидан экан, бир ҳафтадан кейин тўп бўлади. Арабистонлик меҳмон ҳам қариндоши ёнида туриб, нахор ошига келганларни мезбон бўлиб қутди. Кети узилмай узок-яқин маҳаллаларини,

куёв томонликлари, тўй эгаси ишонасидаги ҳамкасбларини, ошна-оғайниларни кўриб, хайратда қолади. Одоб юзасидан индамайди. Никох, чаллар, куда қақирик зифатлари ҳам тошкентча дабдаба билан ўтади. Бир ой дегадана меҳмон Арабистонга қайтишга отланади. Лекин, кўнглидаги гапини айтмай кетолмайди. Қариндошига:

— Қутиб олганингизда кўрдингиз: ўзининг шахсий самолётимда келдим, — дейди. — Турмушингизга қараганда менчалик бой эмассиз. Тошкентга келишдан олдин мен ҳам қиз узатдим. Ўзлик чоғлик одам айтдим. Тўй ёмон ўтмади. Қизим тушган жой ҳам ўзига тўқ, бадавлат хонадон. Аллоҳга шукур ёшларнинг турмуши ҳам яхши. Сизнинг тўйингизни кўриб, мени ваҳима босди. Шу қадар исрофгарчиликнинг нима ҳолати бор? Худодан кўркмайсизми? Ахир, ичамгина тўй қилиб, жуда ошиб-тошиб кетаётган бўлсангиз, биронта камбалага қарашиб юбурсангиз бўлмайди!».

Хак гап! Шояд бу гаплардан кейин, қарариқлик биродаримиз қатори, ҳаммамиз инсофга келсак, исрофдан ўзимизни тийсак.

**Эркин ЖАББОРОВ, фҳрий журналист.**

## «МЕТАЛЛУРГ» ЎЗИНИ ЎНГЛАМОҚДА

Мамлокат ўзининг миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари 20-тур ўрашувларини ўтказди. Дарвозаларга 34та тўп киритилди.

«Дўстлик» ўз майдонидан «Андижон» жамоасини қабул қилиб, йирик ҳисобда (5:1) ғалаба қозонди. Ваҳоланки, меҳмонлар ўзининг дақиқада ҳисобни очигина эришган эдилар. Лекин 0:1 ҳисоби узок сақланиб турмади.

Ҳужумга ташланган майдон эгалари 22-дақиқада меҳмонлар дарвозасига чиройли тўп киритишди. Унинг муаллифи Февзи Давлетов бўлди. 33-дақиқада эса Азамат Абдураимов жамоасини 2:1 ҳисобида олдинга олиб чиқди. Танаффусга санокли дақиқалар қолганда Абдуқаҳор Маъруфалиев учин-

чи тўпни йўлади. Танаффусдан сўнг ҳам майдон эгалари ҳужумни бушатириб қолди. Ваҳоланки, дарвозасига яна икки тўп йўллаб, ҳисобни 5:1га етказди.

«Металлург» эса ўз майдонидан «Бухоро»ни қабул қилди. Вақилларимиз «Бухоро» дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритдилар ва ўз ҳисобларидаги очколари сонини 18тага етказиб, 14-ўринга кўтарилиб олдилар.

«Кимёгар» эса ўз майдонидан чемпионат пешқадами «Нефчи»га ўзинини 0:2 ҳисобида бой берди. «Семург» жадалда иккинчи ўринни

эгаллаб турган «Насаф» жамоаси билан учрашди. Майдон эгаларининг рақиб дарвозасига киритган икки тўпига меҳмонлар уч тўп билан жавоб қайтардилар. «Семург» ҳамон жадалнинг сунгги поғонасини эгаллаб турипти.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбахор» — «Сурхон» — 7:1, «Зарафшон» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Тўрон» — «Самарқанд» — 1:1, «Пахтакор» — «Қизилкум» — 1:2, «Академия» — «Трактор» — 3:0.

Чемпионатнинг навбатдаги 21-тур ўрашувлари 8 август кўни бўлиб ўтади. Бу турда вилоятимизнинг тўрт жамоаси сафарда тўп суради.

**Талъат ЮСУПОВ.**

## ДИҚҚАТ!

«Тошкентвиллоятсавдо» акциядорлик компанияси юридик ва jisмоний шахслардан чегараланмаган миқдорда, келишилган нархларда пул ўтказиш йўли билан бугдой харид қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 2-уй. Телефон (факс): 152-11-34, 152-11-71, 152-11-74.

Тошкент вилояти Охангарон шаҳридаги «ОТА-ВБК-200» хусусий фирмасига тегишли барча ҳужжатлар, думалок мўр ва бурчак штамп-ли йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Охангарон шаҳар ИИБ томонидан Абдулқодир Абдуваитович Авитов номлига 2001 йил 4 январда берилган СВ 1492393 рақамли паспорт йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилқозор туманидаги «Миркомил-темир-савдо» хусусий фирмаси **ТУГАТЛАДИ.**

Давлоллар эълон қилган қўндан бошлаб бир ой давомида 79-18-08 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Миробод туманидаги «Махсус техника сервис» масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТЛАДИ.**

Давлоллар эълон қилган қўндан бошлаб бир ой давомида 133-91-59 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бектемир туманидаги «Май-рифт» маҳалла фуқаролар йиғинининг думалок мўри йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўртачирчиқ туманидаги 66-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Умаровлар Куваныш Абдуқалимович номли берилган О-В-В 042095 рақамли аттестат йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод туманидаги «Асаслом» хусусий савдо фирмасига қорхона ва ташкилотларни ҳўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида статистика органлари томонидан 1999 йил 8 июлда 035764 рақам билан берилган гувоҳнома йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ўзгросуғурта» ДАСК Тошкент вилояти дирекцияси раҳбарияти ва жамоаси дирекция аҳоли мол-мулкни суғурталаш бўлимининг бошлиғи Жалолиддин Тўлағанова отаси **ШАМСИ ОТАНИНГ** вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

## 01 хабар қилади

# ЛОҚАЙДЛИК ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида вилоятимизда 1097та ёнгин содир бўлди, шундан 662таси фуқаролар хонадонларида рўй берди. Ёнгин оқибатида 12 нафар фуқаро ҳалок бўлди, 52 фуқаро эса тан жароҳати олди. Бунга фуқароларимизнинг оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари сабаб бўлмоқда.

Содир бўлаётган ёнгинлар асосан газ ва электр ускуналарини носозлиги ва улардан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, ёлғиз қолдирилган болаларнинг гуфурт ўйнаши натижасида юз бераёпти.

Эҳтиётсизлик, лоқайдлик ва бепарволик ёнгин содир бўлишига ҳамон асосий омил бўлиб хизмат қилаётганлиги кишини ажаблантиради, албатта.

Жумладан, Бўстонлик тумани Сижак кишлоғининг Навоисой маҳалласида истикомат қилувчи фуқаро Боймироззевга қарашли уйда электр ускунасининг носозлиги оқибатида ёнгин содир бўлди. Ёнгин фуқаро Жўрабевнинг уйига ҳам ўтиб кетди.

Чиноз тумани Охунбобоев кўчасида истикомат қилувчи Мансуровалар ҳамонада газ ускунасини нотўғри ишлатиш оқибатида ёнгин содир бўлиб, катта миқдорда зарар етказди.

Бекобод туманидаги «Авангард» жамоа ҳўжалиги-

да яшовчи фуқаро З. Бой-дажова очик оловдан фойдаланиш вақтида эҳтиётсизлиги натижасида олган тан жароҳати туфайли касалхонада вафот этган.

Дарҳақиқат, олов — тилсиз ёв экан, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим. Зеро, ёнгин содир бўлмасидан, унинг олдини олиш ҳар бир кўнчимиз беҳавотир ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

Лекин шунинг тушуниш кераки, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари тилсиз ённинг олдини олиш бора-бора қанча ишлар қилинмасин, фуқароларимиз ўзлари хавфсизлик қоидаларига риоя қилмас эканлар, ёнгинлар сони камаймайди.

Дона халқимиз, эҳтиётсизлик — умр заволи, деб бежиз айтмаган. Ҳамма вақт сергак ва хўшёр бўлсак, лоқайдликка чек қўйсакин ҳар бир кўнчимиз тинч ва осуда ўтади.

**Рамзия СУЛАЙМОНОВА, Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ нозири.**

## «КИМ ОШДИ» САВДОСИ!

Тошкент вилоят Муниципал Биржаси 2001 йил 6 сентябрь кўни соат 11.00да Афросиёб кўчаси 2-уйнинг 2-қаватида ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф этади.

## Савдога қуйидагилар қўйилади:

Қиброй тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли

1. УАЗ-3303 автотранспорти, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АФ 324.

**Бошлангич нархи 196000 сўм.**

2. УАЗ-452Д автотранспорти, 1978 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АФ 323.

**Бошлангич нархи 321000 сўм.**

3. Краз-250 автотранспорти, 1983 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АФ 346.

**Бошлангич нархи 950000 сўм.**

4. Краз-257К1 автотранспорти, 1987 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АФ 349.

**Бошлангич нархи 950000 сўм.**

Олмалик давлат солиқ инспекциясига қарашли:

1. К-701 трактори, 1987 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11-11 ЯД.

**Бошлангич нархи 3.200000 сўм.**

2. ЗИЛ-431412 автотранспорти (бензовоз), 1991 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АГ 458.

**Бошлангич нархи 350000 сўм.**

3. ЗИЛ-130 автотранспорти (автовышка), 1991 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 02-85 ТШР.

**Бошлангич нархи 360000 сўм.**

4. МА3-5334 автотранспорти (фургон), 1987 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 35-89 ТШН.

**Бошлангич нархи 1.180000 сўм.**

Шунингдек, ушбу савдода сотилмай қолган автотранспортлар ҳар ҳафтанинг пайшанба кўнлари бўлиб ўтадиган савдоларда сотилади.

## КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Аукционда қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Телефон (факс): **56-61-64.**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ**  
ТАШКЕНТНИНГ ПРАВА

**Муассис:**  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУҲИДДИНОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48  
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

**Манзилимиз:**  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.  
**Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида торилди ва саҳифаланди.**

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.